

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта  
махсус таълим вазирлиги Ал-Хоразмий номидаги  
Урганч Давлат университети “Муסיқий таълим”  
таълим йўналиши кундузги бўлим  
битирувчи курс талабаси

Жуманиёзова Назокатнинг

**БИТИРУВ  
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу: « *Муסיқа дарсларида компьютар технологияларини  
қўллаш, педагогик маданиятни шакллантириш  
воситасидир* »

Илмий раҳбар:  
Такризчи:

*Муסיқа кафедраси доцент в/б Рахимов Б.  
Хива педагогика коллежи ўқитувчиси  
Мадримов Б.*

Урганч – 2010

# ***Муסיқа дарсларида компьютар технологияларини қўллаш, педагогик маданиятни шакллантириш воситасидир***

Режа:

Кириш

## ***I боб. Муסיқий компьютар технологиялари ва муסיқий дастурлар***

*1.1. Муסיқа дарсларини ўқитишни янада юқори ороқ даражага кўтаришида компьютар технологияларининг аҳамияти*

*1.2. Муסיқий компьютар дастурлари ва улардан фойдаланиш усуллари*

## ***II боб Умумтаълим мактаблари муסיқий таълимининг ўзга хос хусусиятлари ва муסיқа дарслари жараёнида компьютар технологияларини қўллаш масалалари***

*2.1. Ўқувчиларни муסיқий томондан ривожлантиришида компьютар технологияларининг ўзига хос хусусиятлари*

*2.2. Компьютар технологиялардан бошлангич синф муסיқа дарсларида фойдаланиш*

Хулоса

Кириш

Ҳозирги даврда фан ва маданиятнинг энг сўнги ютуқлари асосида келажагимиз бўлган ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг самарали шакл ва услубларини излаш ниҳоятда зарурдир.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон республикасида кейинги йилларда муҳим ижтимоий сиёсий ўзгаришлар руй берди. Хусусан таълим тўғрисида қонун қабул қилиниб, тўққиз йиллик умумий ўрта таълим тизими жорий этилди. Таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш, минтакавий хусусиятларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида барча ўқув фанлари, шу жумладан муסיқа дарслари бўйича ҳам янги ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу ҳолатлар миллий муסיқа устиворлиги нуқтаи назаридан қайта ишлаб чиқилган дастурларда ҳам ўз аксини топди.

Эстетик тарбия - ҳиссиётининг шаклланиши ва ривожини, гўзалликни тушуниш ва унга ташналик, шунингдек шахс тарбиясининг ажралмас қисми бўлган гўзаллик қонунлари асосида яшаш ва яратишга интилишдир.

XXI аср муסיқа педагогикасининг муҳим йўналишларидан бири - бу ўқувчиларни компьютар – ахборот технологиялари билан таништиришдир. Уларни ўзлаштириш биринчидан: профессионал композитор ва ижрочилар тайёрлашда: иккинчидан: ёрдамчи ўқув материали манбаси (маълумотнома, таҳрирловчи, таълим берувчи, овоз ижро қилувчи ва ҳ.к) сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Компьютарларнинг пайдо бўлиши "Муסיқа" "Тасвирий санъат" каби бадиий эстетик фанлар туркумини ўқитишда ҳам катта имкониятлар яратади. Ҳозирги даврда замонавий компьютар технологиялари ушбу фанларни сифатли ва самарали ўқитишда анча олдинги ўринларда туради. Хорижий ва МДХ давлатлари мактабларида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, бадиий эстетик фанларни, шу жумладан "Муסיқа" фанини ўқитишга ҳам

компьютер технологияларини жалб қилишнинг имкониятлари жуда катта бўлиб, у ҳар хил методикалар орасида кенг истиқболга эгадир.

Музыка дарсларида инфор­мацион технологияларни қўллаш, болалар фаоллиги ва дарс самарадорлигини оширади.

Ушбу битирув - малакавий ишнинг асосий мақсади, музыка дарсларида компьютер технологияларини қўллаш йўлларини ўрганиш ва шу орқали умумтаълим мактабларида музыка дарсларини такомиллаштириш усулларини излашдир

Битирув - малакавий ишнинг биринчи бобда битирув малакавий иши мавзуси назарий ҳолда баён этилиб, ҳар тамонлама етук ва баркамол инсонларни тарбиялашда ва музыка дарсларини ўқитишни янада юқорироқ даражага кўтаришда компьютер технологияларининг аҳамияти, музикаий компьютер дастурлари ва улардан фойдаланиш усуллари ҳақида сўз юритамиз.

Иккинчи бобда музыка маданияти дарсларига инновацион технологияларни жорий қилиш масалалари ўрганилади. Шунинг учун иккинчи бобнинг диққат марказида ўқувчиларни музикаий томондан ривожлантиришда компьютер технологияларининг ўзига хос хусусиятлари, компьютер технологиялардан бошланғич синф музыка дарсларида фойдаланиш, музикаий таълимда компьютер технологиялари ва компьютер технологиялари ёрдамида музикаий таълим самарадорлигини ошириш йўллари каби мавзулар туради.

Битирув – малакавий иш хулосаси умумтаълим мактабларининг музыка дарсларида компьютер технологияларидан фойдаланиш йуллари, аҳамияти, музикаий компьютер дастурлари ва уларни бошланғич синф музыка дарсларига киритиш масалаларига яқун ясайди.

Музыка дарсларида компьютер технологияларини қўллаш ва шу орқали музыка дарсларини такомиллаштириш, дунё музикачилари ва педагог – композиторларини ҳозирда ўйлантираётган долзарб масала эканлиги ва унинг ҳали Ўзбекистон мактабларига тадбиқ қилинмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, битирув - малакавий иш мавзусини: «Музыка дарсларида компьютер технологияларини қўллаш, педагогик маданиятни шакллантириш воситасидир» деб олдик.

**Тадқиқот мақсади:**

Умумтаълим мактабларининг музыка дарсларида компьютер технологияларини қўллаш йулларини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти:**

Умумтаълим мактабларининг музыка дарслари

**Тадқиқот предмети:**

Бошланғич синф музыка дарсларида компьютер технологияларини қўллаш йўлларини таҳлил қилиш

**Тадқиқот вазифалари:**

1. Музыка дарсларини ўқитишни янада юқорироқ даражага кўтаришда компьютер технологияларининг аҳамиятини ўрга-

## Тадқиқот методлари:

- ниш
2. Муסיқий компьютер дастурлари ва улардан фойдаланиш усуллари ўрганиш.
  3. Ўқувчиларни муסיқий томондан ривожлантиришда компьютер технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганиш
  1. Таҳлил ва синтез
  2. Махсус адабиётлар ва манбаларни ўрганиш  
Резеткина Татьяна Павловна, Использование компьютерных технологий на уроке музыки как средство формирования педагогической культуры Информатизация учебного процесса и управления образованием. Сетевые и Интернет-технологии, 2004 и 2005г., ВОИПК и ПРО
  3. Маълумотларни умумлашириш, таққослаш
  4. Педагогик кузатиш

Таҳлил ва синтез услубидан илмий материални танлаш, ўрганиш, тадқиқот мавзусига доир фикр ва ғояларни ажратиш, тадқиқот хулосаларини чиқаришда фойдаланилади.

Муסיқа ўқитиш методикаси, муסיқа тарихи, педагогика ва психология фанлари бўйича адабиёт ва манбаларни ўрганиш орқали Ўзбекистонда муסיқа дарсларининг тарихий ривожланиш жараёнини илмий жиҳатдан асосли тарзда таҳлил қилиш мумкин. Тадқиқот мавзусига доир асосий илмий материаллар, ғоя ва фикрлар мазмуни махсус адабиётларда ўз аксини топган.

Умумлаштириш ва таққослаш услуби ёрдамида ҳар бир ўрганилаётган муаммо юзасидан хулосалар чиқарилади.

Педагогик кузатиш услуби воситасида муסיқий таълим жараёнига янги педагогик технологияларни тадбиқ қилиш хусусиятлари ўрганилади.

## ***1 боб. Муסיқий компьютер технологиялари ва муסיқий дастурлар***

### **1.1. Муסיқа дарсларини ўқитишни янада юқорироқ даражага кўтаришда компьютер технологияларининг аҳамияти**

Замонавий таълим тизими янги компьютер технологиялари соҳасида жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Ҳар хил фанлар соҳасини компьютерлаштириш ўқувчиларнинг билим олишлари учун асосий йўналишга айланди. Айнан компьютер тизимлари фан ўқитувчисига, ўқувчиларда эстетик

тарбия ва таълимни на фақат дарс жараёни, балки дарсдан ташқари пайтларда ҳам олиб бориш имконини яратади.

Компьютерларнинг пайдо бўлиши ”Муסיқа”, “Тасвирий санъат” каби бадиий эстетик фанлар туркумини ўқитишда катта имкониятлар яратади.

Ҳозирги даврда замонавий компьютер технологиялари ушбу фанларни сифатли ва самарали ўқитишда анча олдинги ўринларда туради. Амалиёт шуни кўрсатадики, бадиий эстетик туркум фанларини, шу жумладан “Муסיқа” фанини ўқитишга ҳам компьютер технологияларни жалб қилишнинг имкониятлари жуда катта бўлиб, у ҳар хил методикалар орасида кенг истиқболга эгадир.

Муסיқа дарсларида компьютер технологияларин қўллаш, болаларни фаоллаштиради, уларни ижодий яратувчанликка ундайди. Ушбу ҳолатда ўқитувчи шахси, обрўси ва билими ўқувчига етарли даражада кучли таъсир кўрсатади ва анча вақтгача сақланади.

Компьютер муҳити ўқувчиларнинг фаоллик чегарасини анча кенгайтиради ва китобга нисбатан анча интенсив суҳбатдош ҳисобланади. Ўқитувчи маҳорати, фидоийлиги, маънавий дунёси, ўзи ва болалар атрофида гўзаллик яратишга интилиши, ўқувчининг салоҳиятини очиши, эстетик фаолиятда ўзини ўзи тушуниши учун дастлабки пиллапоя ҳисобланади.

Суҳбасиз ушбу жараёнда ўқитувчи шахси асосий йўналтирувчи ҳисобланиб, компьютер эса ўқув жараёнда қўйилган вазифаларни ҳал қилишда электрон ёрдамчи восита ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу шароитда ўқитувчи вазифаси анча ўзгаради, у маълумот манбаси бўлишдан ўқувчилар ўқув - ўрганиш фаолиятининг ташкилотчисига айланади.

“Муסיқа” фанининг хусусияти ва уни ўқитиш методикаси ўқувчиларнинг дарс жараёнда композитор, ижрочи, тингловчилар сифатида қатнашишларини назарда тутаяди.

Мактаб таълим тизимининг компоненти асоси ўқувчиларининг ўз устида ижодий иш олиб бориши учун қўшимча вақт ажратишни назарда тутмайди. Бу муаммони ечишда информатика ва муסיқа интеграциялашган махсус курс ёрдам бериши мумкин. Лекин бу иттифоқ бир мунча ғайри – табиий бўлиб кўринсада муסיқани мактаб фани сифатида ўқитишда ва муסיқа орқали санъат билан мулоқот қилишда катта ўзгаришларга олиб келиши ва бунинг натижасида ўқувчиларда олий даражада муסיқий ва эстетик қизиқишлар уйғониши мумкин.

Ўқувчиларнинг компьютер билан ишлай олишлари, замонавий компьютер технологияларидан эркин фойдалана олишлари суҳбасиз, уларда орзу – истаклар ҳосил бўлиши, янгилик яратишга интилишнинг шаклланишига туртки бўлади.

Замонавий интенсив методикалар ўз ичига интерактив вазифаларни олувчи компьютер технологиялари асосига қурилгандир. Улар ўқувчиларга интерактив мулоқат қилиш имконини яратади, бадиий - эстетик томондан ўсишда медиа маданиятининг шаклланишига ёрдам беради. Айнан компьютернинг интерактив вазифалари информатикани бадиий - эстетик фан сифатида қарашга имкон яратади. Мултимедиа воситалари эса ўқувчиларни олий даражадаги

санъат асарлари билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Буларнинг барчаси эса ижодий шахснинг шаклланиши, унинг образли тафаккурлаши, энг асосийси, экологик онг ва маънавий томондан ўсишига ёрдам беради.

Агар, ўзбек мактабларининг бошлагич синфлари мусиқа дарсларига мусиқий компьютер технологиялари киритилиб, улар мултимедиа воситалари орқали куйидаги мавзуларида қўлланилса шу дарсларнинг янада чуқур ўзлаштирилишига ёрдам беради:

1-синф. Йил мавзуси: “Биз мусиқани севамиз”

I чорак мавзуси “Биз ёқтирган куй ва кўшиқлар”

II чорак мавзуси “Хуш наво чолғуларимиз”

2-синф. Йил мавзуси: “Ижрочилик турлари, мусиқанинг ифода воситалари”

I чорак мавзуси: “Якканавозлик, жўрнавозлик ва жўрсозлик”

IV чорак мавзуси: “Мусиқанинг ифода воситалари” (Ад 1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури 6-7 махсус сон. Мусиқа. «Шарк» матбаа концерни Т. 1999

275)

3-синф. Йил мавзуси: “Мусиқанинг ифода воситалари”

I чорак мавзуси “Мусиқанинг ифода воситалари” (Мусиқа нутқи)

II чорак мавзуси “Хор ва оркестр” (Ад 277)

4-синф. Йил мавзуси: ўзбек халқ мусиқа ижоди”

II чорак мавзуси “Байрам ва маросим кўшиқлари”

IV чорак мавзуси “Баҳор фасли кўшиқлари” (Ад 286-87)

Компютер мултемедиа тизими кўргазмали материал, товуш ва анимациядан фойдаланган ҳолда кенг фойдаланиш имконини яратади. Бутун дарс давомида ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқишни юқори даражада сақлаб туради. Мусиқа тасвирий санъат, информатика каби мактаб фанларининг бир-бирига интеграциялашишини таъминлайди.

Мусиқа дарсларида шахсий компьютерлардан фойдаланиш ва уни мунтазам равишда таълим муҳитига тадбиқ қилиб бориш, шуҳбасиз ўқувчиларга кучли эмоционал таъсир кўрсатади, бу эса айниқса мусиқа асарларини идрок қилиш жараёнида яққол кўринади. Мусиқа фанига доир муаммолар тегишли педагогик- психологик адабиётларда кенг ёритилади.

Эстетика соҳаси эса борлиқни эстетика қонуниятлари орқали англашни, унинг диққат марказида эса инсон, инсон бўлганда ҳам сезувчи, ҳис қилувчи инсон туришини тўлақонли очиб беради. Шунинг учун мактаб, мусиқа ўқитувчиси ва ота – оналарнинг муҳим вазифаси санъат турларининг барча таъсир воситалари комплекси ва яна шунингдек компьютер воситалари орқали ўқувчиларнинг эстетик тарбияси ва таълимига кучли таъсир кўрсатишдир.

Ҳозирги даврда инсоннинг маънавият чўққиларига эришишида ўқувчиларни барча босқичларда янги компьютер технологиялари орқали тарбиялаш муҳим йўналишлардан биридир.

“Эстетик тарбия” тушунчаси шахс эстетик маданияти шаклланишидаги кўп босқичли мураккаб жараёнларнинг устивор томонларидан бири сифатида тушунилади.

Болаларни кузата бориб шу нарсага амин бўлиш мумкинки, уларга эстетик тарбия, шунчалик эрта, айниқса янги компьютер технологиялари воситасида бериб бошланса, унинг натижаси шунга мувофиқ, яъни ҳар томонлама етук шахснинг шаклланишига шунча кўп ёрдам берар экан.

Эстетик томондан ривожлантириш ўз навбатида эстетик тарбия даражасини, эстетик маданиятнинг қанчалик ўзлаштирилганлиги билан белгиланади.

Юқори даражадаги билимли ва эстетик томондан тарбияланган шахсни шакллантириш учун бадиий ва мусиқий материаллар юқори даражадаги дид ва қунт билан танланиши зарур.

## ***1.2 Мусиқий компьютер дастурлари ва улардан фойдаланиш усуллари***

Ҳозирги даврда техника тараққиёти жадал ривожланиб бормоқда. Деярли ҳар бир замонавий оилада компьютер, уяли телефон, фото ва аудио камералар мавжуд бўлиб, оиланинг ҳар бир аъзоси улардан фойдаланиш қоидаларини яхши билади.

Ўзбекистон мактабларининг деярли барчасида компьютер хоналари ёки компьютерлар мавжуддир. Инсоният замонавий янги технологиялардан ўз фойдаси, жумладан таълим соҳасида ҳам қўлламоқда. Ёшларни янги технологиялар нимаси билан ўзига жалб қилади? Бу энг аввало компьютер – информацион технологияларидир. Информацион технологияларнинг таълим беришда ва бадиий ифода воситаси сифатидаги, болалар ва ўсмирларни эстетик томондан ривожлантириш ва бадиий томондан тарбиялашдаги имкониятлари бекиёсдир. Барча компьютер технологияларининг қулайлиги (уч ҳажмлилиги, анимация, видеотасвирий техникалар имитацияси мавжудлиги) компьютерни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижод қилиши ва ўз устида ишлашлари учун ривожловчи таълим муҳити сифатида кўриб чиқиш имконни яратади. Лекин шунини таъкидлаш зарурки, компьютерни фақат дарс мавзуларини ёзиш учун қўлланиладиган электрон восита деб қарамасдан, балки ўқувчиларни янги билимларни ўзлаштиришга, фикрлаш, ва ижод қилишга ундовчи, интерактив таъсир кўрсатувчи восита, мусиқий томондан йўналтирувчи қурол деб қараш зарур.

Бу талабларни амалга ошириш учун эса ўқитувчидан ҳеч бўлмаганда жуда оддий компьютер дастурларини ўзлаштириш талаб қилинади. Бу эса ўз – ўзидан ўқитувчининг ўз устида доимо ишлашини, ўрганиш - изланишини талаб қилади. Ҳозирги даврда компьютерда мусиқа билан иш олиб бориш бўйича кўпгина дастурлар мавжуддир. Уларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Мусиқий проигривателлар;
2. Караоке куйлаш дастурлари;
3. Мусиқий конструкторлар;
4. Мусиқий қомусномалар;
5. Таълим берувчи дастурлар;

Шунингдек нота муҳарир Sibelius-1, 2, 3, 4, дастурларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Биринчи гуруҳ дастурлари шахсий компьютер эгаларининг барчасига таниш бўлиб, улар Windows Media Player, win Amp ва бошқалардир. Бу дастурларнинг имкониятлари жуда кенг бўлиб, улар орқали мусиқий файлларни ижро қилиш, куйлар рўйхатини тузиш ва уларни ҳар хил форматларда ёзиш мумкин.

Агар сиз мусиқа дарсида кўшиқ ўргатаётган бўлсангиз Vokal jam ёки Kar Maker дастурларидан фойдаланишингиз мумкин. Бу дастурлар бир тамоил, яъни, “минус”ни ижро қилиш ва экранга кўшиқ матнини чиқаришга асослангандир. Мусиқа ўқитувчилари ўзларининг билимларини ошириш ёки кўшимча маълумотлар олиш мақсадида рус тилидаги компьютер сайтлари орқали “Крилл ва Мефодейнинг оммавий мусиқа энциклопедияси” ни олишлари мумкин. Унда деярли барча замонавий гуруҳлар, ижрочилар, мусиқий альбомлар ҳақида маълумотлар берилган.

Мусиқа маданияти дарсларида яна ўша сайтлардан олинган “Мусиқа дурдоналари” дастуридан фойдаланиш мумкин. Унда барча композиторлар ҳаёти ва ижоди, мусиқанинг барча йўналишлари, классик мусиқаларнинг яратилиш тарихи, уларнинг шарҳи, видео ва аудио парчалари мавжуддир. “Мусиқа асбоблари тарихи” ва “Электрон пианино” бўлимлари бир - бирини тўлдирди. Нота матнларини яратиш ва тахрирлаш учун Final каби дастурлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан мусиқа яратиш, аранжировкаш ва мусиқа асарларини чолғулаштиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

*Ўқитувчининг компьютернинг ўзлаштириш даражасига қараб ва мусиқа дарсларида компьютер технологияларини қўллаш тажрибаларидан келиб чиқиб, мусиқа дарсларида компьютер технологияларини қўллашнинг 3 та босқичини ажратиш кўрсатиш мумкин:*

*-Дарс жараёнида ўқув дастурининг алоҳида элементларини -мусиқий анъаналар элементларини ўрганишга изчиллик билан йўналтириш*

*– ушбу элементларни (дастурлар бўйича кенг билимлар доирага эга бўлган ва улардан фойдалана билган ҳолда) синтез қилиш ва уларни кейинчалик кенгайтириш (презентациялар яратиш) .*

*-синтезлаш тенденцияларининг намоён бўлиши (маҳаллий тармоқларда ишлаш олиш) ва уларнинг фанлараро мусиқий педагогикага ўсиб ўтиб компьютер синфларида интеграциялашган дарслар ўтказиш.*

*Ушбу босқичлар ўқувчиларнинг компьютер синфида ишлаш олишининг ёшлик хусусиятларини баҳолашга ҳам таалуқлидир.*

Мусиқа фанини ўқувчилар учун янада жозибалироқ қилиш учун ўқитувчи янги информатсион технологиялар ва педагогик технологияларнинг замонавий тамоилларини қўллаган ҳолда фанлар ичи, фанлараро муносабатларни, ўқув жараёни мантиғини, ўқувчилар ёш хусусиятлари ва уларнинг маданий ривожланиш даражаларини эътиборга олиши зарур.

***II боб Умумтаълим мактаблари мусиқий таълимининг ўзга хос хусусиятлари ва мусиқа дарслари жараёнида компьютер технологияларини қўллаш масалалари***

## **2.1. Ўқувчиларни мусиқий томондан ривожлантиришда компьютер технологияларининг ўзига хос хусусиятлари**

Педагогиканинг мусиқий – компьютер фаолиятига тегишли қисми хали ўрганилиш ва маълумотлар тўплаш даражасидадир. Тегишли адабиётларда унинг устивор томонлари асосан компьютер –техник воситаларининг таълим соҳасида қўлланилишининг умумий афзалликлари (якка ўқитиш, билим ва кўникмаларини йиғиш жараёнинг фаоллашуви ва ҳ.). нуктаи – назаридан сўз юритилади. “Мусиқани компьютер орқали ўқитиш” бўйича тажрибаларга нисбатан уларнинг сўзсиз зарурлиги ва унинг мусиқий – педагогик жараёндаги алмаштириб бўлмас роли ҳақида фикрлар билдирилади.

Умумтаълим мактабларининг “Мусиқа” фани қуйидагиларни, яъни:  
-таълим тизими жараёнида мусиқа маданиятини маънавий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида шакллантириш;

-Мусиқавийлик, мусиқий укув, кўшиқчилик овози, мусиқа маданияти, хотира, кечинмаларини ифодалай олиш, ижодий фикрлаш;

-Мусиқа ва мусиқа ҳақидаги билимларни, унинг интонацион хусусиятларини, услуб ва жанр ранг – баранглигини, фольклор, классик ва замонавий композиторлар меъросидаги мусиқий нутқ хусусиятларини, мусиқанинг инсонга таъсири ва бошқа санъат турлари билан ўзаро муносабатини ўрганиш ва ўзлаштириш, ҳар хил мусиқа фаолиятлари: кўшиқ куйлаш, чолғу ижрочилиги, мусиқага мос ҳаракатларни импровизация қилиш бўйича амалий кўникма ва малакаларни, ўз ва ўзга халқлар мусиқа санъатига нисбатан ҳурмат эҳтиром хис туйғуларини тарбиялаш, ўқувчиларда мусиқий дид ва олий даражадаги мусиқа асарлари билан мулоқотга эҳтиёж ҳиссиётини, уларда ижро ва тингловчилик маданиятини тарбиялашни назарда тутати.

Шунинг учун ҳам умумтаълим мактабларининг мусиқа дарсларига компьютер технологияларини жорий қилиш алоҳида муҳокамага лойиқдир.

Оддий мактаб синфида мусиқий компьютерни, компьютер клавишларини фортепиано клавишларидай яхши биладиган, компьютер технологиялари воситасида синфни мусиқий репертуарнинг турли шаклларига жалб қила оладиган ташаббускор мусиқа ўқитувчисининг мавжудлиги, – мусиқа дарсларини тубдан ўзгартириб юборади. Мусиқий компьютер мусиқа муҳитини ижодий томондан ўзлаштиришда чексиз имкониятлар очиб беради.

Шу нарса яққол равшанки кун тартибига мусиқачиларни (ўқитувчиларни) замонавий товушлар мажмуасини компьютерда дастурлашнинг сир-асрорларига ўргатиш, компьютер – ахборот технологиялари мутахасислари ва товуш дизайнерларга эса мусиқий ижодиёт қонуниятлари ҳақида етарлича билим бериш каби мусиқий таълим технологияларидаги иккита векторнинг бир – бирига томон ҳаракатланиш муаммоси қўйилгандир.

Мусиқа маҳсулотларини ижро қилишда, нота ёзишда, амалий мусиқа жанрида, товуш ёзиш воситаларида, овоз чиқарувчи воситаларнинг сифатли имкониятларида, концерт – театр фаолиятида, овоз дизайни ва мусиқани узатишда (шу жумладан Интернет орқали ҳам) мусиқий компьютер технологиялари янги эволюцион даврини яратди.

Композиторлик фаолиятдан ташқари компьютер технологияларини чолғу асбобида ижро қилишга ўргатиш, муסיқий укувни ривожлантириш, муסיқий асарларни тинглаш, ноталарни тахрирлашда қўллаш мумкин.

Компьютерларнинг дастур таъминоти чолғу асбоби диапозонини, ижрочининг пассажларни тез ижро қилишини, қочирим ва динамик туслар ижроси ва артикуляцияни ташҳезлашда ёрдам беради. Кўпгина фанлар учун компьютер энциклопедик ва библиографик манбадир. Ниҳоят, компьютердан нота терувчи восита сифатида ҳам қўлланилади.

Муסיқа дарсларида информацион технологияларни қўллаш, болалар фаоллиги ва дарс самарадорлигини оширади.

## ***2.2. Компьютер технологиялардан бошланғич синф муסיқа дарсларида фойдаланиш***

Педагогика илми ва назариясининг замонавий ривожланиш босқичида шахс камолоти муаммолари ўта долзарб масаладир. Фақат мустақил, ижтимоий маъсулиятли, қатъий, узокни кўра оладиган шахсгина ўзи ва атрофидаги инсонлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсата олиши мумкин. Педагогик жараён инсондаги туғма қобилиятни ривожлантиришига, ўстиришига, камчиликларни йўқотишга қаратилгандир.

Хорижий давлатлар мактабларида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта синфларнинг барчасида болаларнинг ёшига мос равишда (қизиқишлари, баён қилинаётган материални ўзлаштириш даражасига қараб) компьютер дастурларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Масалан 1 – 2 синф ўқувчилари учун асосан фонотека, фонограммалар, ўйин орқали таълим берувчи – ўйин дастурлари мос келади.

3 - 4 синф ўқувчилари мавзули таълим берувчи – ривожлантирувчи - ўйин дастурлари, фонотека ва фонограммаларни яхши қабул қиладилар. Бу дарсларга дастурларнинг айрим элементларини киритиш ёки презентация тайёрлаш мумкин.

Мактаб муסיқа дарсларида “минусовка” деб номланувчи, яъни қўшиқларнинг фортепиано ёки оркестр жўрнавиози ёзилган ёзувлардан фойдаланиш фортепианода жўр бўлишга қараганда ўқувчиларни кўпроқ ўзига жалб қилар ва қизиқтирар экан. Ундан ташқари муסיқа дарсларига компьютер технологияларни киритиш муסיқий материални тезроқ ўзлаштириш ва ўқувчилар муסיқий қобилиятларининг тезроқ шаклланишига ёрдам берар экан. Болалар компьютер ёрдамида музейлар бўйлаб виртуал (масофали) саёҳат қилишлари, композиторлар ҳаёти, хатто муסיқа саводини ҳам ўрганишлари мумкин. Педагог шундай дастурларни билиши ва қўллай олиши зарур.

Муסיқий компьютер дастурлари информатиканинг энг илғор соҳаларидан биридир. Умумий таълим тизими муסיқа дарсларида информацион технологияларни қўллаш, бадий дидни шакллантириш, ўқувчининг ижодий қобилиятларини ўстириш ва умуман уни гармоний томондан ривожлантириш учун асос бўлиши мумкин. Ҳозирги даврда мавзуларни ўзлаштириш учун дарс жараёнига киритиш мумкин бўлган компьютер дастурлари мавжуддир.

Яна шунингдек, хорижий давлатларнинг умумтаълим мактабларида компьютерлардан фойдаланиш тажрибалари шунинг кўрсатадики, улар воситасида нафақат сифатли мусиқа тинглаб қолмасдан балки, мусиқий асарлардан парчалар томоша қилиш, тасвирий санъат асарларидан ҳам бахраманд бўлиш мумкин. Бундай материалларни дастлаб ўқувчиларга синфдан ташқари пайтларда томоша қилиш учун таклиф қилиш ва ундан кейин аста - секин дарс жараёнига киритиб бориш мумкин. Бу асосан ўқиш ёзишни компьютерни билладиган 3 - 4 синф ўқувчилари учун қизиқарлидир.

Компьютер технологияларини ўзлаштиришга 2 - синфдан киришиш мумкин. 3 - синфда улар компьютер кўникмаларини тўла ўзлаштириб оладилар. Дарс жадвали ва компьютер синфи графигига мувофиқ ҳафтада бир марта компьютер технологияларини қўллаган ҳолда ўтказиладиган бир соатлик қўшимча дарс ажратилиши мақсадга мувофиқдир. Болалар мунтазам равишда ижодий вазифалар бажаришлари, компьютердан фойдаланган ҳолда нота дафтари яратишлари, ноталарни ёзишлари мумкин.

Информацион технологияларнинг мусиқа дарсларида қўлланилиши болалар фаоллигини кучайтиради, дарсни бойитиб, самарадорлигини оширади. Умумий натижаларни кузата бориб, нафақат таълим жараёни мазмуни балки, методларига ҳам ўзгартиришлар киритиб борилади.

Шуниси ҳам борки компьютер технологияларидан фойдаланиш доимо ҳам ўзини оқлайвермаслиги мумкин. Бунинг сабаби ўқувчилар, информацион технологиялар ёрдамида мавзуларни ўрганишга тайёр бўлмасликлари, ана шундан келиб чиққан ҳолда педагог олдида дастур бўйича бошланғич билимларини чуқур эгаллаши, компьютерни яхши билиши, дастур билан ишлай олиши, дарсга болаларни жалб қила билиши, уларнинг тайёргарлик даражаси каби талаблар қўйилади. Компьютер дастурлари ҳам диққат билан кўриб чиқилиши зарур: уларнинг бошланғич таълим мусиқа дарсларига тайёрланмаганлиги, мослашмаганлиги улардан кенг фойдаланиш имконини чеклайди.

\*\*\*

Умумтаълим мактабларининг 2 - синфида мусиқа дарсларида компьютер технологияларини қўллашга мисол қилиб бир соатлик мусиқа дарсини кўриб чиқамиз

**Йил мавзуси: “Ижрочилик турлари, мусиқанинг ифода воситалари”**

IV чорак мавзуси: “Мусиқанинг ифода воситалари” (АД 275)

Бу чоракда мусиқа фаолиятлари учун қуйидаги мусиқа асарлари тавсия қилинган:

#### ***Мусиқа тинглаш.***

1. “Баҳор” А. Раҳмат шеъри, И. Акбаров мусиқаси
2. “Музқаймоқ” Х. Қаюмов шеъри, А. Мансуров мусиқаси
3. “Баҳор вальси” М. Мирзаев мусиқаси
4. “Шодиёна” Ўзбек халқ куйи
5. “Ватанжоним - ватаним” Д. Омонуллаева мусиқаси
6. “Гулноз” М. Мирзаев мусиқаси

7. "Лазги" Хоразм халқ куйи
8. "Полька" М. И. Глинка мусиқаси. ва ҳ.к.

### **Жамоа бўлиб куйлаш**

1. "Гул терамиз" И. Муслимов. Ик. акбаров мусиқаси
2. "Ўйнадик ҳеч тўймадик" Ш. Ёрматов мусиқаси
3. "Даканг хўроз" А. Мансуров мусиқаси
4. "Лайлак келди" Ўзбек халқ куйи
5. "Онажоним" С. Абрамова мусиқаси
6. "Бувижоним" Д. Омонуллаева мусиқаси
7. "Тилла қўнғиз" Х. Рахимов мусиқаси
8. "Капалак" З. Диёр. А. Мансуров мусиқаси
9. "Ватанжоним - ватаним" Д. Омонуллаева мусиқаси

### **Мусиқа саводи**

Мажор ва минор тоналликларида учтовушликларни куйлаш. До мажор товуш қаторини 2/4, ва 3/4ўлчовида тактлаб куйлаш.

Айтим машқлари ва ўрганилган қўшиқларни чолғу асбобида ижро этиш ва мусиқий ритмик жўр бўлиш.

Чолғу асбобида ижро этиш ва мусиқий ритмик жўр бўлиш ("Ғилдирагим")

Доира чалишни қўл ҳаракатлари билан имитация қилиш (Ад 276 ДТС)

### **Янги педагогик ва компьютар технологияларини қўллаган ҳолда 2**

#### **синфларда олиб бориладиган 1 соатлик дарс ишланмаси**

Ушбу 2 - синф учун бир соатлик режа - ишланмага киритилган интерфаол усулларни ва компьютар технологияларини дарс самарадорлигини ошириш мақсадида мусиқа маданияти дарсларида фойдаланиш мумкин.

Йил мавзуси: **"Ижрочилик турлари, мусиқанинг ифода воситалари"**

#### **IV чорак мавзуси: "Мусиқанинг ифода воситалари"**

**Мавзу: Якканавозлик, жўрнавозлик**

#### **1-Дарс.**

Дарснинг мақсади: -Ўқувчиларга мусиқий компьютар дастурлари воситасида дарс ўтиш

Дарснинг методи: кўрғазмали – презентация, суҳбат,

Дарснинг жиҳози: Компьютар, видеопроектор. Экран.

2-синф «Мусиқа» дарслиги. ДТС.

Дарснинг блок - чизмаси

т/р	Дарс босқичлари	Вақт
1	Ташкилий қисм	2 минут
2	Кириш суҳбати	15 минут
3	Мавзу устида ишлаш	23 минут
4	Дарсни якунлаш ва унга топшириқлар	5 минут

Дарснинг бориши

Ўқувчилар мусиқа садолари остида синфга кирадилар.

Ташкилий қисм.

Дарсни ташкил этиш.



## Хулоса

XXI аср мусиқа педагогикасининг муҳим йўналишларидан бири - бу ўқувчиларни компьютер – ахборот технологиялари билан таништиришдир. Уларни ўзлаштириш биринчидан: профессионал композитор ва ижрочилар тайёрлашда; иккинчидан: ёрдамчи ўқув материали манбаси (маълумотнома, таҳрирловчи, таълим берувчи, овоз ижро қилувчи ва ҳ.к) сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Россия давлатининг Москва, Санкт - Петербург консерваторияларида мусиқага оид компьютер технологияларини факультатив дарс сифатида ўқитиш аллақачон йўлга қўйилган бўлиб, Урал консерваториясида эса ўқув режаси фани сифатида “Электрон ва компьютер мусиқаси” фани ўқитилади.

## Фойдаланилган адабиётлар.

1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури 6- 7 махсус сон. Мусика. «Шарқ» матбаа концерни Т. 1999

**Резеткина Татьяна Павловна, преподаватель математики**

**Использование компьютерных технологий на уроке музыки как средство формирования педагогической культуры**

Информатизация учебного процесса и управления образованием. Сетевые и Интернет-технологии, 2004 и 2005г., ВОИПКипРО.

Сайт Всероссийского Интернет - фестиваля педагогических идей «Открытый урок», издательский дом «Первое сентября», г. Москва Учительская газета №15, 2006г.

**Особенности музыкального развития детей при использовании компьютерных технологий**

1. Алпатова А. С. Творческое постижение мира: искусство или наука? // Музыкальное искусство: исполнительство, педагогика, музыковедение: Сборник научно методических статей. - М., 2004. с.121.

2. Бороздина О. Изучение результирующего влияния общеобразовательной школы на музыкальную культуру учащихся // Современное музыкальное образование 2003г.с. 89.

3. Бергер Н. Современная концепция и методика обучения музыке. Серия «Модернизация общего образования». - СПб., 2004. с. 129.

4. Бергер Н., Яцентковская Н., Алиева Р. Младенец музицирует. - СПб., 2003. с. 138.

5. Бергер Н., Яцентковская Н. Электронные клавиши как необходимый атрибут новых технологий в музыкальном образовании Электронные клавиши как необходимый атрибут новых технологий в музыкальном образовании // Телекоммуникации, математика и информатика - исследования и инновации. - Вып. 7. - СПб., 2003. с. 18-21.

6. Бергер Н. Музыкальная грамотность и компьютер // Телекоммуникации, математика и информатика - исследования и инновации. - Вып. 6. - СПб., 2002г. с. 12-18.

7. Горбунова И. Об основных направлениях деятельности учебно - методической лаборатории «Музыкально-компьютерные технологии» // Современное музыкальное образование 2003г.с. 33-35.

8. Зарипов Р. - пионер кибернетической музыки // Новые технологии в культуре и искусстве. Казань: НИИ «Прометей», 2003г. с. 121.

9. Санько А. О новом явлении на пересечении математики и музыкального искусства // Музыка и время. № 12. 2002. с. 18-21.

10. Свирина Н. О роли музыки в художественном развитии школьников // Петербургская консерватория в мировом музыкальном процессе 1862-2002. - СПб., 2002. с. 18-21.11. Материалы международной научно - практической конференции. - СПб., 2003.

12. Измерение семантического пространства музыки // Семинар «Синтез искусств в эпоху НТР». Казань: КАИ, 2002г.

13. Из опыта вузовского музыкального образования в США // Бюллетень службы научной информации Научно - исследовательского сектора (НИС) Ленинградской (Санкт-Петербургской) гос. консерватории. Вып. 4. Л., 2004г. (совместно с сотрудниками НИС консерватории).